

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 811. 512. 133 1
811. 133. 1 1

ИБРАГИМОВА Раиса Султановна

**ФРАНЦУЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА
АЁЛ КОНЦЕПТИНИНГ ЛИНГВОКОГНИТИВ ТАДҚИҚИ**

10.02.20 – Қиёсий-тарихий, типологик ва чоғиштира тилшунослик,
лингвистик таржимашунослик

Филология фанлари номзоди илмий даражасини
олиш учун тақдим этилган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тадқиқот иши Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Табиий таълим йўналишларида чет тиллар кафедрасида бажарилган.

Илмий раҳбар: филология фанлари доктори, профессор
Маматов Абдимурод Эшонкулович

Расмий оппонентлар: филология фанлари доктори, профессор
Муҳамедова Саодат Худойбердиевна

филология фанлари номзоди, доцент
Ширинова Рахима

Етакчи ташкилот: Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети

Ҳимоя 2012 йил _____ ойининг ____ куни соат ____ да
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети қошидаги К.067.44.02.
рақамли Ихтисослашган кенгаш йиғилишида бўлиб ўтади.

Манзил: 100138, Тошкент, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси,
Г-9а мавзеси, 21-а уй) Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети
Ахборот-ресурс марказида (Тошкент, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли
кўчаси, Г-9а мавзеси, 21-а уй) танишиш мумкин.

Автореферат 2012 йил _____ ойининг ____ куни тарқатилди.

Ихтисослашган кенгаш илмий котиби
филология фанлари номзоди, доцент

Д.М. Тешабоева

1. ТАДҚИҚОТНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Аёллар масаласини ўрганиш кишилиқ жамиятида ижтимоий муносабатлар, миллатлар ва давлатлар, маданият ва цивилизациялар тарихи билан чамбарчас боғлиқ. *Аёл* ҳуқуқлари турли даврларда сиёсатга, динга боғланиб ўрганилган, натижада тилда *аёл* образи гоҳ ижобий, гоҳ салбий тарзда ўз аксини топган.

Ҳозирги даврда аёлнинг жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига жалб қилиниши соҳаларининг кенгайиб бориши инсон тасаввурларининг ўзгаришига олиб келди, бу эса тил соҳасида *аёл* тушунчаси билан боғлиқ бўлган тадқиқот ишлари олиб боришга туртки бўлмоқда.

Инсон ҳуқуқлари ғоялари қанчалиқ аҳамиятли бўлса, *аёл* ҳуқуқлари ҳам шунчалик долзарб тус олади. Тадқиқотда айрим мақол ва маталлар хотин-қизлар учун оғир қисмат тайин этиб, “аёл эркакнинг мулки, итоаткор қули” деган фикрни тарғиб этувчи ва бу тенгсизликни “Оллоҳ номи билан муқаддаслаштириш”¹ ғояларининг нотўғри эканлиги исботланди. “Инсоният тарихи шундан гувоҳлиқ берадики, минг йиллар давомида ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси ва маънавий баркамоллиги аёлларга бўлган муносабат билан белгиланади. Айниқса, аёлларга шарқона эҳтиром ва эъзоз биз учун ибратли меросдир”². Мазкур тадқиқотда илк бор *аёл* концепти замонавий фанлар қаторида жадал суръатлар билан ривожланаётган когнитив тилшунослик, лингвوماданиятшунослик йўналишида ҳамда миллий маданият қонун-қоидалари “назорати”да таҳлил қилинди.

Аёл концептининг тил ва жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини кўрсатишда илк бор француз ва ўзбек тиллари паремиялар, лексик, фразеологик бирликлар, афоризмлар, қанотли сўзлар фонди асосида таҳлил қилиниши ва унинг ўзига хос хусусиятлари, миллий-маданий, лисоний ва эстетик хусусиятларининг аниқланиши, бунда халқнинг маънавияти, дунёқараши, миллий фалсафасининг намоён бўлиши, тил ва халқ ажралмас деган фикрнинг аҳамиятини таъкидлайди.

Аёлнинг тил ва маданиятдаги ўрнини ўрганиш устувор масалалардан биридир. Илк бор тилшуносликда *аёл* мавзусига комплекс ёндашилди, “чунки объектнинг бошқа хусусиятларини ҳам ўрганиш эҳтиёжи туғилади”³. Соҳалар ўртасидаги ҳамкорлик натижасида *аёл* концептининг янги қирралари, кўз илғамаган хусусиятларини топиш имконияти пайдо мумкин бўлади.

Аёл образини билишда тил восита вазифасини бажариши, **инсон-тафаккур-тил-маданиятнинг** ягоналиги, жумладан, концептни қўллашда

¹Умаров М. Қуръон муқаддас китобми? – Т.: Ўзбекистон, 1984. – Б. 58.

²Аёлга эҳтиром: тўплам // Таҳрир хайъати: Р.Шоғуломонов, М.М.Дўст, Х.Султонов ва бошқ./– Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б. 11.

³Кочергин А.Н. Взаимодействие наук как комплексная проблема. Взаимодействие наук как фактор их развития. Новосибирск: Наука, 1988. – С. 5.

янги тадқиқотларнинг пайдо бўлишига олиб келиши ҳам ишнинг долзарблигидан далолат беради. Миллатнинг тажрибаси ва анъаналари асосида шаклланган *аёл* концепти бевосита гендер тушунчаси билан боғлиқ бўлиб, француз ва ўзбек тилларида унинг лингвокогнитив ва гендер хусусиятлари чоғиштирилиб етарлича тадқиқ этилмаган. *Аёл* концептининг лингвокогнитив тадқиқи психология, социология, антропология каби фанларга фикрлар, нуқтаи назарлар тақдим этиши билан аҳамиятга моликдир.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Турли халқлар маданиятида, *аёл* концептининг бир қатор масалалари тилшунос, социолог, ҳуқуқшунос, исломшунослар томонидан ўрганилган. Жумладан, *аёл* концептини Ф.Б.Мухутдинова⁴ француз лингвомаданиятшунослигида, В.В.Васюк⁵ инглиз лингвомаданиятида, Л.В.Адонина⁶ рус маданиятшунослигида, Е.В.Белик⁷ инглиз лингвомаданиятшунослиги аспектида талқин қилишган.

Шуни таъкидлаш лозимки, шу пайтга қадар француз ва ўзбек тилларида *аёл* концепти қиёсий-чоғиштириш йўли билан ўрганилмаган. Ишнинг бошқа тадқиқотлардан фарқи шуки, илк бор лисон ва маданиятда *аёл* концептини қиёсий тадқиқ қилишда жамиятга тааллуқли барча билимлар мажмуини ўзида ифода этган когнитив системага асосланганлигидадир.

Тадқиқотнинг методологик асоси. Республикада таълим ва илм-фанни ривожлантириш ҳақидаги ҳужжатлар, Президентимизнинг асарларида баён қилинган илмий-фалсафий фикрлар, фан ютуқлари, тажрибалари, фалсафанинг умумийлик ва алоҳидалик, шакл ва мазмун, тил ва тафаккур, тил ва жамият категориялари ҳамда жаҳон тилшунос олимларининг фикр-мулоҳазалари методологик асос бўлиб хизмат қилади.

Ишни ёзиш жараёнида Р.Лангакер, Ж.Лакофф, М.Жонсон, С.А.Аскольдов-Алексеев, Ю.С.Степанов, А.Вежбицкая, Е.С.Кубрякова, И.А.Стернин, С.Т.Воркачев, гендер тадқиқотлар бўйича А.В.Кирилина, И.И.Халеева, Е.Горошко, лингвомаданиятшунослик бўйича В.А.Маслова, В.В.Воробьев, когнитив тилшунослик бўйича Р.Жэкендофф, Ч.Филлмор, М.Минский, Ж.Фоконье, Д.С.Лихачев, О.А.Колосова ҳамда ўзбек тилшуносларидан Д.У.Ашурова, Ш.Сафаров, Ў.Қ.Юсупов, А.А.Абдуазизов, А.Содиқов, А.Э.Маматов, Ж.А.Якубов ва бошқаларнинг назарий қарашлари ҳам дастуруламал вазифани бажарди. Тадқиқот жараёнида С.А.Аскольдов-Алексеев, Ю.С.Степанов, С.Т.Воркачев каби олимларнинг назарияси асос бўлди.

⁴ Мухутдинова Ф.Б. Концепт «Женщина» во французском языковом сознании (на материале афористики): Автореф. ...дис. канд. филол. наук. – М., 2006. – 21 с.

⁵ Васюк В.В. Концепт «женщина» в статике и динамике фразеологии английского языка. Автореф. дис. ... канд. филол. наук. М., 2002. – 24 с.

⁶ Адонина Л.В. Концепт "женщина" в русском языковом сознании: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Воронеж: 2007. – 23 с.

⁷ Белик Е.В. Лингвокультурологические особенности лексики и фразеологии современного английского языка (на материале лингвокультурологического поля «мужчина и женщина» // Автореф. ... дис. канд. филол. наук. М., 2003. – 23 с.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот мавзуси Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети чет тиллар факультетининг илмий-тадқиқот режасига киритилган.

Тадқиқот мақсади. Француз ва ўзбек тиллари мисолида *аёл* концептини лисон ва маданият муносабатларида категоризациялашган когнитив майдонини аниқлаб олишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари. Қўйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни бажаришни тақозо этади:

1) Концепт ва гендер терминлари борасида олиб борилган тадқиқот ишларини ўрганиб чиқиш ва уларга муносабат билдириш; *аёл* концептининг тил – маданият – жамиятдаги ўрнини ёритиш.

2) Феминизм тушунчасини талқин қилишда гендер, когнитология ва лингвистика ўртасида қай даражада боғлиқлик мавжудлигини аниқлаш.

3) Француз ва ўзбек тиллари мисолида *аёл*нинг ташқи ва руҳий оламини тасвирловчи когнитив белгиларни қиёсий таҳлил қилиш.

4) *Аёл* концептининг когнитив майдонини аниқлаш.

5) Паремнологик, лексик, фразеологик бирликлар, афоризмлар, қанотли сўзлар орқали *аёл* концептининг универсал ва ўзига хос хусусиятларини аниқлаш.

6) Гендер компонентли паремиялар ва тил бирликлари асосида *аёл*нинг ички ва ташқи дунёсини очиб берувчи когнитив белгиларини топиш.

7) Гендерга оид паремиялар ва тил бирликларида *аёл*нинг севги, никоҳ ва оиладаги ўрнини таҳлил қилиш, уларнинг ўхшаш ва фарқли томонларини очиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти. Француз ва ўзбек тилларида *аёл* компонентли паремнологик, лексик, фразеологик бирликлар, афоризмлар, қанотли сўзлар.

Тадқиқот предмети. Француз ва ўзбек тилларида *аёл* билан боғлиқ инсон онгида акс этувчи тил бирликларининг когнитив, лингвوماданий ва гендер хусусиятлари.

Тадқиқот методлари. Тадқиқот олдига қўйилган вазифаларни ҳал қилиш мақсадида:

1) ишда *аёл* когнитив майдонини билиш назарияси (гносеология) нуктаи назаридан **концептуал таҳлил**;

2) *аёл* концепти билан боғлиқ бўлган паремияларнинг келиб чиқишини (генезисини) аниқлаш учун **этимологик таҳлил**;

3) француз ва ўзбек тилларида ва маданиятида *аёл* концептининг умумий ва хусусий жиҳатларини чоғиштириб ўрганиш мақсадида **қиёсий-чоғиштирма таҳлил**;

4) *аёл* концептини ифодаловчи тил бирликларининг матнда ифодаланаётган лингвистик хусусиятларини аниқлаш учун **контекстуал таҳлил**;

5) тил ва маданиятда андроцентризмнинг ижтимоий ҳолатини чоғиштириб ўрганиш мақсадида **контрастив-гендер таҳлил**;

6) *аёл* концепти ва уни ифода қилаётган паремиологик, лексик ва фразеологик бирликлар, афоризмлар ва қанотли сўзларнинг қадимги даврлардан бошлаб халқ оғзаки ижоди, расм-русумлари, урф-одатлари ва анъаналарини ёрқин тасвир этиш учун **тарихий-маданий таҳлил**;

7) *аёл* руҳиятини лингвистик нуқтаи назаридан **психолингвистик таҳлил**;

8) *аёл* концептининг қатламларини аниқлашда **статистик таҳлил**;

9) **луғат дефинициялари таҳлили**;

10) *аёл* концептининг прототипини аниқлашда **моделлаштириш**;

11) *аёл* ташқи ва руҳий гўзаллигини аниқлашда **саволнома-интервью** методларидан фойдаланилди.

Химояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

1) *Аёл* француз ва ўзбек тиллари соҳиблари онгида зичқатламли концепт каторига кириши, кўп миқдорли номинатив бирликлар сифатида намоён бўлиши ва унинг жамият учун аҳамияти.

2) Гендер тушунчасини лингвокогнитив ва лингвомаданиятшунослик нуқтаи назардан илмий тадқиқ қилишда *аёл*ларнинг ахлоқига таъсир қилувчи ижтимоий-психологик ва миллий-маданий омилларнинг роли катта эканлиги.

3) Француз ва ўзбек тиллари паремиялар, лексик, фразеологик, бирликлар, афоризмлар, қанотли сўзлар фонди таҳлили натижасида *аёл* концептида икки тилга хос умумий хусусиятлар кузатилса-да, улар ўртасида ижобий ва салбий хусусиятлар мавжудлиги.

4) *Аёл* когнитив майдони таҳлили натижасида бир қатор белгилар: *аёл* лингвомаданияти, *аёл* умр даври, *аёл* интеллект, *аёл*га мурожаат, Она гиперконцепти, *аёл* ташқи кўриниши ва руҳий гўзаллиги, *аёл* сиймосида севги, никоҳ, оила тушунчаларининг акс этиши ва категоризацияланиши.

5) Француз ва ўзбек тилларида *аёл* концепти белгиларининг номинатив зичлиги жамиятда унга баҳо беришда умумификрлилик ва айрим ҳолатларда турли қарашлар мавжуд эканлигини намоён этиши.

Француз тили соҳиблари учун: *интеллект, руҳият, ижтимоий мавқе, ўзаро муносабат, самимият, жозиб*а каби тушунчалар асосий маъно касб этган ҳолда, ўзбек тили ва маданиятида: *ор-номус, иффат, ҳурмат, ҳаё, фарзандга, элга фидойилик, ирода, меҳнатсеварлик, уятчанлик, ташиқи* ва *ички гўзаллик* каби когнитив белгиларнинг фикран ёнма-ён келиши.

Ишнинг илмий янгилиги. Тадқиқотнинг янгилиги қуйидагилар иборат:

1) Илк бор замонавий тил ва маданиятда *аёл* концептини қиёсий тадқиқ қилиш жараёнида жамиятга тааллуқли барча билимлар мажмуини ўзида ифода этган когнитив системага асосланганлиги.

2) Илк бор замонавий жамиятда *аёл*нинг тилдаги ўрни ва аҳамияти ҳақидаги стереотип тасаввурлар қайта кўриб чиқилди ва *аёл*ларни *аёл*лар нуқтаи назаридан ўрганиш муҳимлиги аниқланди.

3) Илк бор француз ва ўзбек тиллари паремиологик, лексик, фразеологик бирликлар, афоризмлар ва қанотли сўзлар фондига комплекс ёндашиш орқали *аёл* концепти когнитив майдонининг образли кўриниши яратилди.

4) Илк бор *аёл* когнитив майдони француз ва ўзбек маданиятлариаро паремиялар, лексик, фразеологик бирликлар, афоризмлар, қанотли сўзлар мисолида тадқиқ қилинди ва унинг ўзига хос хусусиятлари когнитив тилшунослик, гендер тилшунослиги, лингвомаданиятшунослик фанлари эришган ютуқлар асосида аниқланди.

5) Рус ва ўзбек олимларининг концептга нисбатан билдирилган таърифлари, классификацион лексик талқинлари тўплашиб умумлаштирилди.

6) *Аёл* ташки ва рухий гўзаллигига оид концептуал белгилар икки тил маданиятида таққосланди ва фарқлар аниқланди.

7) *Аёл* когнитив майдонида *Бахт*, *Гўзаллик*, *Она*, *Ёлғизлик*, *Муҳаббат* гиперконцептлари тадқиқотталаблиги аниқланди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. *Аёл* концептининг таркибини ташкил этиш қисмида лингвокогнитив ва лингвомаданий ёндашувнинг асосий хусусиятларини аниқлаш ва ривожлантириш имконини беради. *Аёл* концепти тилда қай даражада воқеаланиши мумкин, деган саволга жавоб олишга кўмаклашади. Илмий тадқиқот француз ва ўзбек когнитив лингвистика, лингвомаданиятшунослик ва гендер тилшунослигида мавжуд муҳим илмий бўшлиқни маълум даражада тўлдиради ва бу соҳаларнинг назариясини ривожлантиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларидан олий таълим муассасаларининг бакалаврият ҳамда магистратура босқичларида когнитив тилшунослик, лингвомаданиятшунослик бўйича маъруза матнлари, дарслик, ўқув қўлланмалари яратишда ҳамда келгуси илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш жараёнида, тўпланган паремиологик бирликлардан бир ёки икки тиллик луғатлар, глоссарий тузишда унумли фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Тадқиқот натижалари Низомий номидаги ТДПУнинг чет тиллар факультети профессор-ўқитувчилари томонидан юқори босқич талабаларини назарий ва амалий курсларини ўқитиш жараёнига татбиқ қилинмоқда.

Ишнинг синовдан ўтиши. Тадқиқот мавзуси Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Илмий кенгашида тасдиқланган (27.04.2006 йил 9/4.20 – рақамли баёни). ЎзР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК “Бюллетень”ининг 2007 йил 5-сонида эълон қилинган. Диссертация Низомий номидаги ТДПУ қошидаги Табиий таълим йўналишларида чет тиллар кафедрасида бажарилган ва Немис тили ва ўқитиш методикаси, Инглиз тили назарияси ва методикаси кафедраларининг қўшма йиғилишида (30.11.2011 йил 4-сонли мажлиси баёни) муҳокама қилиниб, ҳимояга тавсия этилган. Шунингдек, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги Ихтисослашган кенгаш қошидаги илмий семинар йиғилишида (2012 йил 3 май 8-сонли баённома) муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган. Диссертация мавзуси Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Москва, Чимкент шаҳарларида бўлиб ўтган тилшунослик масалаларига бағишланган илмий анжуманларда маърузалар асосида баён қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертациянинг асосий мазмуни бўйича жами 1та монография ва Республикадаги илмий журналларда (4), халқаро миқёсда (5), ва илмий тўпламларда (3), жами 12 та мақола ва тезисларда ўз ифодасини топган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Ушбу тадқиқот кириш, уч боб, умумий хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 190 саҳифани ташкил этади.

2. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот методлари тадқиқотнинг илмий янгилиги ҳамда илмий ва назарий аҳамияти, диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг I боби **“Концепт ва гендер терминларининг илмий-назарий таҳлили”** деб номланиб, унда концепт, гендер, феминизм, феминистик лингвистикани ўрганишнинг назарий масалалари баён қилинади. Мазкур боб учта бўлимни ўз ичига олади.

“Лингвокультурологик тадқиқотларда концепт таҳлили” деб номланган 1.1. бўлимда тилшуносликда концептни ўрганишга бағишланган тадқиқотлар тўғрисида маълумотлар берилди ва уларга муносабат билдирилди. Концепт маданиятшунослик, лингвистика, психология, фалсафа, когнитология ва бошқа аспектларда ўрганилмоқда, натижада турли методлар, таснифлар, тадқиқот усуллари олимлар томонидан таклиф этилмоқда. Концепт лингвомаданиятшунослик ва когнитологиянинг асосини ташкил этади. Когнитив тилшуносликда концепт ўз ўрнига эга эканлигига қарамай, бу муаммо ўз ечимини ҳалигача топган эмас.

1928 йили биринчи бор С.А.Аскольдовнинг **“Концепт и Слово”** мақоласида когнитив лингвистика муаммоларининг бири сифатида концепт сўзига таъриф берилади. Унинг фикрича, **“концепт – фикрлаш жараёнида бизга айтилган бир турдаги кўпдан-кўп предметларнинг ўрнини босадиган фикрий ҳосила”**⁸.

Инглиз луғатида *general notion*⁹ дея таъриф келтирилади. Бунда концепт андазага, стереотипга, умумқабул қилинган фикр, нуқтаи назарга яқин туради. Буленвилье фикрича: **“Idée est tout concept formé par l'esprit”**¹⁰. Унинг назарида, ақл билан шаклланган барча концептлар ғоядир.

⁸Аскольдов С.А. Цит.по: З.И. Журавлёва. Концепт в лингвокультурологии // II Международная научная конференция «Язык и культура». – М.: Институт иностранных языков, 2003. – С. 261-262.

⁹ Hornby A.S. Oxford Advanced Learners Dictionary of Current English. Oxford University Press, 1974. – P. 176.

¹⁰Dictionnaire de français. d'après l'ouvrage d'Emile Littré (1863-1877). www.fr.wikipedia.org/wiki/www.Littré.reverso.net/dictionnaire-francais/definition. Dictionnaire de français. d'après l'ouvrage d'Emile Littré.

Ю.С.Степанов концептни лингвомаданиятшунослик нуктаи назаридан кўриб чиқади: “Концепт – бу инсон онгидаги маданият йиғиндиси; инсоннинг ментал дунёсига маданият тарзида кирган нарса; маданият бойликларининг ижодкори”¹¹. Олимнинг назарида, концепт – ўша жамиятнинг идеологиясидир. В.Н.Телиянинг таърифича, “концепт – билимнинг ҳажмини кенгайтиришга қаратилган, биз объект ҳақида билган, тасаввур қилган нарса”¹². Демак, у сўзнинг маъносини кенгайтиради, фикрлашга, фараз қилишга имконият яратади.

Г.Г.Слышкиннинг фикрига кўра: “қанчалик концептни ифодаловчи белгилар потенциал бўлса, шунчалик концепт қадимий бўлади ва ўша тил жамоасида унинг қиммати ортади”¹³. Демак, ҳар қандай объект концепт бўла олмайди, деб хулоса қилиш мумкин.

И.П.Сусов ва А.А.Сусовлар латинча *conceptus* терминининг деривацион боғлиқлигига эътибор қаратади: *capio* – “братъ, взятъ; получатъ, приниматьъ; выбиратьъ, захватывать; ловить, поймать; усваивать, понимать, постигать”, *concipio* “собирать, принимать; вбирать в себя; соображать”; *conceptus* – “накопление; зародыш, эмбрион”¹⁴. Тилшунослар концепт терминига этимологик нуктаи назардан ёндашиб, унинг етакчи ғоясини илгари суришади.

Дзингареллининг “Италян тили луғати”да “концепт” (*concetto*) – фикр (*pensiero*), ғоя (*idea*), тушунча (*nozione*)¹⁵, деб изоҳланади. “Dictionnaire de l’Académie française”¹⁶ луғатида концептга шундай таъриф келтирилган: “Un concept est une représentation générale et abstraite d’une réalité”. Бу термин латинча *concevoir*¹⁷ феълидан олинган бўлиб, синоними *combiner, composer, créer, découvrir, engendrer, idéer, inventer, prévoir, imaginer, former en soi* кабилар орқали унинг маъносини англаш осондир. Далиллар концепт маъносига монанд бўлиб, дунё ҳақидаги маълумотларнинг бошқа бир маълумотлар билан мослашган шакли, тасаввур қилинган билимлар тизимланишидир. Ў.Қ.Юсупов нуктаи назарида “концепт – бу онгимиздаги билимлар мажмуаси, у ҳақидаги образлар ва унга бўлган ижобий, салбий, нейтрал муносабатлар, яъни баҳолашлар”¹⁸. Олимнинг назарида, концепт – объектга бўлган шахсий муносабат.

¹¹Степанов Ю.С. Константы: Словарь русской культуры – М.: «Языки русской культуры», 1997. – С. 40.

¹²Телия В.Н. Русская фразеология. Семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. – М.: «Языки русской культуры», 1996. – С. 97.

¹³Слышкин Г.Г. От текста к символу: лингвокультурные концепты прецедентных текстов в сознании и дискурсе. – М., 2000. – С. 97.

¹⁴Сусов И.П., Сусов А.А. Понятие и концепт // Тверской лингвистический меридиан. – Вып. 4. – Тверь, 2003. – С. 3-10.

¹⁵Zingarelli N. Vocabolario della Lingua Italiana. Dodicesima edizione. Bologna, 1999. – P. 420.

¹⁶Dictionnaire de l’Académie française, huitième édition (1932-1935) (*concevoir*).

¹⁷<http://fr.wiktionary.org/wik/concept>

¹⁸Юсупов Ў.Қ. Маъно, тушунча, концепт ва лингвокультурема атамалари хусусида // Стилистика тилшуносликнинг замонавий йўналишларида. Илмий-амалий конференция материаллари. – Т., 2011. – 50 б.

Келтирилган дефиницияларга кўра, концепт ҳақида тилшунослар ягона таърифни келтиришмаган. Натижада, фанда концептни тушунишда урта асосий ёндашув кузатилади: лингвистик, когнитив, маданиятшунослик.

1.2. “Гендер ижтимоий-маданий ва лисоний ходиса сифатида” деб номланувчи бўлим гендер термини, жинснинг фарқланиши, лингвистик гендерологиянинг бир-бирига боғлиқлиги каби масалаларга бағишланади. Гендер термини, даставвал, социология фанига А.Оаукли ва Н.Земон Давислар¹⁹ томонидан киритилади. Француз тилида унинг қуйидаги номларини учратиш мумкин: “*catégorie sociale de sexe*”, “*études de genre*” ёки “*théorie du genre*”. Г.Рубин жинс ва гендер фарқини “*porte-manteau*” corporel²⁰ образи кўринишида келтиради. Шу тариқа “ижтимоий жинс” тушунчасини ифодалаш учун гендер (gender) термини қўлланила бошланди. Ғарб олимлари жинслар орасидаги фарқларни аниқлашда *une polarité masculine, une polarité féminine, une polarité mixte*²¹ атамасини қўллашган. Гендер юнонча *genos* сўзидан олинган бўлиб, *келиб чиқиш, моддий таъсир меросхўр, тугилаётган*²² каби маъноларни англатади. XX асрнинг 60-йиллари охирида файласуфлар ва социологлар томонидан икки тенденция: биологик жинс ва ижтимоий жинс фарқларини ажратиб олиш ғоялари илгари сурилади. Гендер – психологик, ижтимоий ва маданий коннотацияга эга терминдир.

Гендер она тилини (18 ойлигида) ўрганиш жараёнида шаклланади, дейди Ж. Мани²³. Назаримизда, инсон она қорнидаёқ гендер таъсири объектига айланади. Психолингвистик йўналишларда гендер тадқиқотлари икки томонлама: бир тарафдан, жинс информантлар дифференциацияси (жинси, мавқеи, ёши, нутқи, ирқи ва ҳ. к.) илмий изланишлари бўлса, бошқа жиҳатдан, маскулинлик ва фемининлик изланишлар бўлиб, гендерга оид лексиканинг қабул қилиниши, берилган гендер андазаларнинг жинс белгиларига асосан танланган ва аралаш таҳлили ўрганилади. Бу иккала гуруҳ илмий тадқиқотлар олиб боришга туртки бўлди.

Инсон эркак ёки аёл бўлиб туғилади, кейинчалик уларда маданият таъсирида маскулинлик ва фемининлик хусусиятлари шакллана боради. Ғарб тилшунослари Х.Бенжамен фикрича, *Le sexe, c'est ce que l'on voit, le genre, c'est ce que l'on ressent*²⁴, К. Делфининг назарида, *Le genre, c'est ce que l'on pourrait appeler le sexe social*²⁵. С. де Бовуар²⁶ *On ne naît pas femme, on le*

¹⁹Le genre, un outil nécessaire: Introduction à une problématique. Résumé par S.Blatmann.

www.hcci.gouv.fr/note/genre-femme-developpement

²⁰Rubin G. The traffic in women. Notes on the Political Economy of sex in Towards an anthropology of women, 1975. – P. 157-210.

²¹Thierry Lodé. La guerre des sexes chez les animaux. www.fr.wikipedia.org/wiki/Polarité. – Paris, 2006.

²²Пищулина О.Н. Использование гендерной парадигмы в современной социологической теории // Методология, теория та практика соціологічного аналізу сучасного суспільства: Збірник наукових праць. – Харків: Видавничий центр Харківського нац. університету ім. В.Н. Каразіна, 1999. – С. 36-38.

²³Бобоева З., Усмонова З. Гендер тадқиқотлари асослари курси хрестоматияси. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – 50 б.

²⁴Benjamin H. Gender is located above, and sex below the belt. [www.Genre \(sciences sociales\)](http://www.Genre.sciences.sociales)

²⁵Delphy. Penser le genre: quels problèmes? Paris.: CNRS Editions Delphy, 2003. – P. 94-95.

²⁶Beauvoir Simone, de. Deuxième Sexe, le. II L'expérience vécue / Gallimard, Folio, 1949. – P. 13.

devient ғоясини тасдиқлайди. Хулоса шуки, жинс – биологик, ўзгариши мумкин, гендер – ижтимоий курилма, ўзгаради.

Таҳлилга тортилган материаллар андроцентризмнинг ўзига хос ўрнига эга эканлигидан дарак беради. Ж.Рей-Дебов француз тили луғатларини таҳлил қилар экан, “*la langue française est très masculinisé*”²⁷, дея хулоса қилади, андроцентризм ҳолатини танқид қилади, тилда аёлнинг ўрнини кўрсатиш лозимлигини таъкидлайди.

“Янги катта француз-рус фразеологик луғати”²⁸ таҳлилга тортилганда 101та аёл компонентли фразеологик бирликлардан 57таси салбий коннотацияга эга эканлиги аниқланди. Ўзбек мақоллар тўпламида²⁹ 365та гендер компонентли мақоллар келтирилган бўлиб, гендерни ифода этган ўзбек маданияти тил материалларида ёш қизнинг концептуал сиймосини яратиш имконини берувчи ўлчовлардан бири унинг ибоси ва ҳаёси эканлиги таъкидланди: *Пардали қиз – париға тенгсиз*, баъзан паремиялар контрастив-гендер тарзда ёнма-ён келади: *Қиз – овулнинг кўрки, йигит – овулнинг эрки*. Бундан ташқари аёллардаги ижобий белгиларнинг кўплиги билан аҳамиятлидир: меҳнаткашлик: *Хотининг ишчан бўлса, сафарда хатар йўқ*, билимли аёл: *Билимли аёл – эр, Femme de tête*, яхши хотин: *Яхши хотин – хазина*.

Тарихан мавжуд реакцион паремиялар тил соҳиблари онгига салбий таъсир этиши натижасида, аёллар ҳақида: *Қиз сақлагунча туз сақла*, ёмон хотин: *Хотининг ёмон бўлса, азага бормоқ на ҳожат*, мактанчоқ: *Қақиллаган хотинни қиз берганда кўрамиз*, маккора: *Хотиннинг макри шайтонга дарс бўлар*, эринчоқ: *Эрга мен тегсам, боламини онам боқса*, андроцентризм: *Эримга ёқдим – элимга ёқдим* каби негатив фикрлар муҳрланиб қолган. Натижада аёл компонентли тил бирликларида ижобийдан кўра салбий ҳолатлар кўпроқ учраганлигига амин бўлинди.

Гендер дисфория ҳолатини тасдиқловчи фалсафий фикрлар ҳам тилда ўз аксини топган: *Аёл эркакка тақлид қилгандан кўра, аёллигини намоён қилган сайин унинг қадр-қиммати оша боради. Аёлнинг асл хислатларини ривожлантирмай, унга эркакча қилиқларни сингдирганингиз сайин, у ўзлигини йўқотиб, сўлиб бораверади*³⁰, француз тили фразеологик бирликларида бундай ҳолат шундай акс этади: *Femme homme*. Гендер муносабатлари инсон фаолиятининг кўп соҳаларига кириб борганлиги боис, И.И.Халеева фикрича, гендер тадқиқотлар фанлараро хусусиятга эга бўлиши керак³¹.

²⁷Rey-Debove Josette. Une femme, de a à z. www.scom.ulaval.ca/Au.fil.des.eveements/2004/01/22/lexico

²⁸Новый большой французско-русский фразеологический словарь. Под редакцией Гака В.Г. – М., 2005. – 1624 с.

²⁹Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Маънолар маҳзани. – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2001. – 448 б.

³⁰Тюриков В.И., Шоғуломов Р.Ш. Аёл – мукаддасан. – Т.: Ёзувчи, 1999. – Б. 76.

³¹Халеева И.И. Гендер в теории и практике обучения межкультурной коммуникации // Доклады Первой международной конференции «Гендер, язык, культура, коммуникация». – М., 2001. – С. 7-11.

1.3. “Концепт ва гендер когнитив лингвистиканинг ажралмас қисми сифатида” бўлимида концепт ва гендер терминларининг лингвистикада тутган ўрни ва уларни таснифлаш масалалари ёритилган. Когнитив фан – онгни ва онг тизимини тадқиқ қилади. Когнитология – билимлар таҳлили ва унинг кейинги ривожланишини таъминлашга хизмат кўрсатувчи фаолият доираси ҳақидаги илмий-назарий таълимот. Бу фан XX асрнинг 50 йилларида пайдо бўлган ва философия, психология, лингвистика, информатика, антропология ва нейрофанлардан ташкил топган *фанлар федерациясини* ³² ташкил этади.

Когнитив лингвистиканинг объекти бу – тил. Когнитив ёндашиш орқали инсоннинг нутқи, гапира билиш ва эшитганини тушуна билиш қобилиятини кузатиш, таҳлил қилишдан иборат. А.Э.Маматовнинг фикрича, когнитив фан инсон идроки ва тафаккуридек мураккаб феномен ҳақидаги тўлиқ ва адекват тасаввурларга эга бўлиш учун турли хил соҳа олимларининг жамланган яхлит фикрларини ўрганади. Когнитив тилшунослик ана шу жамланган фикрларнинг бевосита тил билан боғлиқлигини, когнитив ва лисоний структураларнинг муносабатини ўрганади ва тадқиқ қилади”³³. Демак, когнитив фан – концепт ва сўзлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тадқиқ қилади.

Ж.А.Ёкубовнинг фикрича, “когнитив лингвистиканинг семантика ёки психологиядан келиб чиққанлиги ҳақида фаразлар борлигини назардан четда қолдиришимиз керак эмас”³⁴. Когнитив лингвистика оламни тил ёрдамида идрок қилишда, билишда муҳим рол ўйнайди ва бунда фанларнинг ўзаро боғлиқлигини эътибордан қочирмаслик керак, деган хулосага келинади.

Н.Ф.Алефиренко³⁵ концепт қатлами ичида энг муҳими образли қатламлар эканлигини таъкидлайди. Шу жиҳатдан бу қатлам *аёл* концептида ўз аксини топади: визуал (*ёқимтой*), товушли (*овози билан маҳлиё этмоқ*), зооним (*сочлари аждар*), таъм билдирувчи (*асал қиз*), наботат олами (*қиз бола – гулу-лола*). Шу мақсадда, *аёл* концепти когнитив майдонининг образли кўринишини келтирамиз: Концепт – ўргимчак тўрлар (*ўргимчак-концепт; унинг тўрлари - концептуал белгилар*) билан ўлжасини (*белгиларни*) қалин (*юқори даражали концепт*), қалин бўлмаган (*макроконцепт*) ҳамда нозик (*микроконцепт*) ипчалар орқали уяси (*майдон*) атрофига тўплайди ва ўзида сақлаб қолади. Ўргимчак маълум бир ҳудуд (*ўлжа*) томон ҳаракатланади. (қаранг: 1-илова).

Лингвокогнитологияда концепт муҳим бўлгани каби гендер ҳам унинг ажралмас қисми. Гендер тушунчаси ўз атрофига ижтимоий, тарихий, сиёсий,

³² Sciences cognitives. <http://www.fr.wikipedia.org/wiki/>

³³Маматов А.Э. Тилга когнитив ёндашувнинг моҳияти нимада? // Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари. Профессор А. Нурмонов таваллудининг 70 йиллигига бағишлаб ўтказилган илмий-амалий анжуман материаллари. Андижон, 2012. – Б. 212-220.

³⁴Ёкубов Ж.А. Маданиятлараро мулоқот назариясида концепт ва категория масалаларини ўрганиш//Маданиятлараро мулоқот: назария ва амалиёт//Республика илмий-назарий конференцияси материаллари. – Т.: ТДПУ, 2008. – Б. 121.

³⁵Алефиренко Н.Ф. Проблема вербализации концепта. Теоретическое исследование. – Волгоград: Перемена, 2003. – 96 с.

иктисодий, психологик феноменларни жамлайди. Лингвистикада гендер тушунчасидан фойдаланиш кенг қамровли масалалар, хусусан тил тарихида гендер муносабатларнинг акс этиши, лингвомаданиятшуносликда **аёл** концептини маданий репрезент сифатида ўрганиш имконини беради.

1.4. “Когнитив ва феминистик лингвистика муаммоларига доир” деб номланган бўлим когнитив лингвистика ва феминистик лингвистика масалаларига бағишланади. Мушкулотларнинг олдини олиш учун фанлар ҳамкорлигини умумий мақсадга йўналтириш лозимлигини таъкидлар экан, Ш.Сафаров шундай ёзади, “лисон муаммолари билан қизиқувчи фанлар “кўрпани ҳар ким ўзи томонига тортиш” касалидан қутилиб, ягона бир объектни мажмуавий, ҳар томонлама тадқиқ қилиш йўлини танлашди ва натижада, соҳалараро фан, йўналиш шаклланди”³⁶. ХХI асрда соҳалараро мулоқотнинг маҳсули сифатида – когнитив тилшунослик юзага келди. Бу йўналиш тилшуносликда янги соҳадир. Portail de la linguistique саҳифасида когнитив лингвистиканинг учта асосий тадқиқот йўналишлари кўрсатилади: *la sémantique cognitive, la phonologie cognitive, la grammaire cognitive*³⁷.

Замонавий тилшуносликнинг ривожланишига феминизмнинг кўрсатган таъсири бекиёс бўлди. Феминистик лингвистика тил нормаларини, тил тизимини ўзгартиришга интилиши фанлараро тортишувни юзага келтирди. Феминистик танқид тилшуносликнинг таҳлил методларини такомиллаштиришга олиб келди. Ижтимоий ва фанлараро гуманитар билимларнинг ўзаро боғланишини кучайтирди. Барча соҳаларда андроцентризмга асосланган ижтимоий муносабатлар танқид қилинади.

“Dictionnaire de la langue française”³⁸ луғатида *аёл* ҳақидаги фикрлар таҳлилга тортилди. 42та таниқли кишиларнинг фикрларидан атиги 2таси аёл жинсига мансуб эканлиги кузатилди. Бундай асослар натижаси, феминистик лингвистика тил ва жамиятда аёлларнинг ролини қайта кўриб чиқишга, **аёлларни аёллар нуқтаи назаридан ўрганишга** имкон яратди.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Аёл концептини ифодаловчи когнитив белгилар тадқиқи**” деб номланиб, унда *аёл* концепти икки тил соҳиблари маданияти доирасида таҳлил қилинади.

2.1. “Аёлларнинг ташқи қиёфасига оид когнитив белгилар” бўлимида аёлнинг ташқи гўзаллик параметрлари ҳақида сўз боради. Аёлнинг ташқи гўзаллик когнитив белгилари: **соч, кўз, тана ранги, чехра, қомат, қош, киприк, пардоз, дид, лаб, либос** кабилар, руҳий гўзаллик когнитив белгилари: **жозибба, ҳаё, иффат, одоб, ибб, меҳнатсевар, самимият, ақл, мулойимлик, уятчанлик, меҳрибонлик** таҳлил қилинади: *L’oeil de la femme est une toile d’araignée, Ақлли аёл – қалъа олар*.

Ташқи чирой бир вақтнинг ўзида зиддиятга ҳам бойлиги кузатилади: *Хусн гоҳ бахт келтирар, Гоҳ бахтсизлик*. Хусн билан ёвузлик контрастив тус олади: *Чиройли аёл, бебаҳо буюм каби, ўз хўжайинига эстетик завқ*

³⁶ Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. – Б. 5.

³⁷ Linguistique cognitives. www.fr.wikipedia.org/wiki/

³⁸ Dictionnaire de la langue française d’Emile Littré. XMLittré, v. 1. www.fr.wikipedia/Femme.

бағишлашдан ташқари кўпинча таъвиш келтиради. Аёл ҳусни ҳамма даврда эркаклар учун завқланиш объекти, унинг нуқсонларини кечиришга мажбур қилиши бежиз эмас: *Parmi les femmes, la beauté fait excuser beaucoup de défaut*. Ташқи гўзаллик аёлга муайян устунлик бағишлайди, унинг олдида **ибо** ва **ҳаё** белгиларининг “кўзга кўринмаслиги” икки тил фондида ҳам тасвирланади: *A coté de la beauté, l'esprit et le coeur font toujours l'effet de parents pauvres*, *Ҳусн аро ишваю ноз эл кўнглин, онча олмаски ҳаё бирла адаб*. Таҳлил материаллари француз тил фондида учраган айрим белгилар: *елка, оёқ, хипча* бел давр ўтиши билан ўз қимматини йўқотганлигини тасдиқласа, ўзбек менталитети учун улар шарт бўлмаган белгилар саналади. Шахснинг умри давомида жамият, маданият тараққиётида тил соҳибларининг дунёқараши, фикрлари маълум бир даврда ўзгариши натижасида *аёл* ташқи кўринишининг муайян талаби ҳам ўзгарувчан тус олганлиги кузатилди (2-илова). Ўзбек маданиятида *аёл* учун зарур ҳисобланган руҳий сифат белгилар *иффат, ҳаё, уят* (Уятчан аёл бутун бир шаҳарга арзийди) каби микроконцептлар юксак баҳоланса; француз маданиятида бу белгилар эътиборга олинмаслиги, айниқса, *honteuse* (уятчан) фазилят эмаслиги тадқиқотчи ўтказган сўровномаларда тасдиқланди.

Тадқиқот объекти бўлган *аёл* руҳиятини ифодаловчи белгилар потенциаллиги унинг жамиятдаги нуфузи, бажараётган вазифалари, эстетик, ижтимоий, лингвистик, рамзий томонларининг тил жамоасида қиммати ортганлигидан далолат беради. Француз ва ўзбек маданиятига хос руҳият гўзаллиги мезонлари таққосланганда, ўзбек аёлининг руҳият когнитив майдонида кўпқатламлик кузатилди (қаранг: 3-илова).

Психолог У.Арищенко аёлнинг ташқи ва руҳий гўзаллигини аниқлаш мақсадида интернет орқали форум³⁹ ўтказди. Қатнашчиларнинг 60 фоизи руҳий гўзаллик, жумладан: *жозибба, қалб, самимийлик, хушмуомилалик, меҳрибонлик, ғамхўрлик* каби белгиларни қадрласа, 40 фоиз иштирокчи ташқи гўзалликни устун қўяди. Натижалар таққосланганда *аёл* ташқи гўзаллиги тилда юқори баҳоланса, сўровномаларда маънавий белгилар қадри юқори эканлиги исботланди.

2.2. “Аёл лингвомаданиятини тавсифловчи когнитив белгилар” деб номланган бўлимда тилда аёлга қарата мурожаат шакли таҳлил қилинади. *Аёл* лингвомаданиятини тавсифловчи белгилар француз миллий тушунчалари доирасида унинг муайян хусусиятларини очиб беради. Махсус лингвистик қоидаларни ўрганишда лингвомаданият аёлни қоидаларга риоя этишни талаб этиб, унинг жамиятга бўйсунлигини таъминлайди. Жамият аёлдан меъёрда гапиришни талаб этади. Француз лингвомаданиятида *аёл* гаплари керакли маълумот бермаслиги билан характерланади ва қораланади: *Lorsqu' une femme te parle, souris-lui et ne l'écoute pas*. Нутқ контекстида *аёл* гапларининг аччиқлиги, ўткирлиги танқид қилинади: *La langue des femmes est leur épée, et*

³⁹Женский форум у Арищенко. Красота внешняя или внутренняя? www.forum.wewomen.ru/

elles ne la laissent pas rouiller, Аёл қарғай боиласа, ҳатто итлар ҳам аккиллашни бас қилади. Аёлнинг камгаплик концептуал белгиси фазилят ҳисобланиб, эркалар ўртасида ижобий баҳоланади: Femme muette jamais battue, Аёлнинг бахти тилидандир. Ўзбек аёллари лингвомаданиятида олқиш, эркалаш, қарғиш, мақтов, новербал каби мулоқотлар муҳим аҳамият касб этади: Онагинанг ўргилсин, Худо берганларим, бўйларингга бўй тумор бўлай, Ялмоғиз кампир!, Сочи узун алвасти! ва ҳ.к.

Жамият ўсиб келаётган фарзандларнинг келажак ҳаётида муваффақият келтирувчи омил сифатида аёлнинг нутқ маданияти қоидаларига риоя қилиш лозимлигини маъқул кўради. Аёл лингвомаданиятида алла – она монологи турли халқлар маданиятига хос бўлиб, она тилини боланинг онгига сингдирувчи аҳамиятга молик биринчи восита. Фарзандни тарбиялашда нутқ меъёрларини сақлаб қолиш билан бирга онадан гендер ёндашув талаб этилади.

2.3. “Аёл ёши билан боғлиқ когнитив белгилар” деб номланган бўлимда аёлнинг умр даври белгилари уч даврга ажратилиб махсус ўрганилади: *Chaque âge a ses plaisirs, son esprit et ses moeurs, jeunesse / ёшлик: fillette / қизалоқ, fille / қиз, amant / маъшуқа, amie / дугона; femme mûre / етуклик даври: épouse / рафиқа, femme / хотин, femme / аёл, mère / она, belle-fille / келин; vieillesse / кексалик: grande mère / буви, belle mère / қайнона* даврлари ўзига хос жозиблага эга ва икки тил маданиятида аёлнинг қатор инсоний қирралари калейдоскопик тарзда намоён бўлди ва фарқларнинг хилма-хиллиги кузатилди.

Ёшлик макроконцепти *ақли калталиқ* (absence de raison) белгиси билан ёнма-ён келади: *Jeune femme, pain tendre et bois vert mettent la maison au desert.* Тажрибасизлиги натижасида *mettre la maison au desert* хатоликлар қилиши мумкинлиги тасвирланади. Француз маданиятида қартайиш аёл ахлоқига салбий таъсир кўрсатади: *Vin qui vieillit s’améliore, femme vieille devient reveche.* Аёлни тавсифлашда юқорида келтирилган мақолга зид равишда улғайган одам ақли расолашади, деган фикрлар ҳам мавжуд: *Қари билганни нари билмас, L’âge rend l’homme sage.*

“Қайси ёшдаги аёл сизни ўзига мафтун қилади?”⁴⁰, деган саволга француз эркаларининг берган жавоблари: ёшлик даври (17-25) – 20 фоиз, етуклик даври (30-46) – 60 фоиз, кумуш ёш (47-55) 20 фоиздан иборат бўлса, ўзбек миллатига мансуб эркалар жавоби: ёшлик даври (17-25) – 65 фоиз, етуклик даври (25-30) – 30 фоиз, кумуш даври (45-50) – 5 фоизни ташкил қилди. Сўровлар натижасида аниқланишича, француз маданияти соҳиблари кўпроқ аёлнинг етуклик даврини (femme mûre) (35-45 ёш) маъқул топишди.

Бундан хулоса шуки, бу даврда аёлнинг ҳаётга онгли қадам қўйиши, жисмоний ва физиологик томонлари ҳам инобатга олинганлиги муқаррар. Сўровномалар таҳлили икки тил маданиятида эркаларнинг турмуш ўрток

⁴⁰ 2009 йил август ойида Франциянинг Тур шаҳрида яшовчи турли касб эгалари ва турли ёшдаги эрка жинсига мансуб французлар (100та) ва 2009 йил сентябр ойида тошкентлик ўзбеклардан (100та) интервьюдан олинган натижага асосан.

танлашда аёлнинг ёшига эътибор қаратишларида анчагина фарқлар борлигини кўрсатди.

2.4. “Аёлга мурожаат билан боғлиқ когнитив белгилар” деб номланган бўлиб, мурожаат шакллари барча халқларга мулоқотни зарур тарзда олиб бориш учун катта аҳамият касб этиши, суҳбатдошларнинг яшаш жойи, миллати, жинси, ёши, касби ва бошқа ижтимоий белгиларига оид маълумот бериши ҳақида мулоҳаза юритилади. *Мурожаат* когнитив майдонида **оиладаги мурожаат, ишқий мурожаат, расмий мурожаат** когнитив белгилари таҳлил қилинди. Оиладаги мурожаат мисолида Кибриё Қаҳҳорова ва турмушдоши Абдулла Қаҳҳор ўртасидаги ўзаро ҳурмат орқали ўзбекка ҳос новербал мурожаат шаклини кузатиш мумкин: *Кибриё! деб чақирмасдан столдаги телефоннинг галтагини айлантирар* эдилар.

Ҳар бир даврнинг ўз мурожаат шакли мавжуд бўлса-да, тилда у доимо муҳрланиб қолмаган, балки ўзгариб туради: *Биби Робиа, ҳазрати олиялари*. Русчадан *товарищ* сўзи кириб келди ва *ўртоқ Носирова* қабилада мурожаат шакллари бугун архаизмга айланди.

Ишқий мурожаат белгиси икки миллатнинг тил ва маданиятида турлича ифодаланади: ўзбек маданиятида: сома (*юрагим*), мифология (*фариштам*), таъм билдирувчи (*асалим*), французларда: наботат (*mon chouх*), ҳашорат (*ma giêre, та рисе*), мифология (*mon ange*). Миллатнинг мурожаат шакли унинг менталитети, иқлими, географик ўрни, удум ва анъаналар, бадий адабиёт рамзлари билан боғлиқлигини кўрсатди.

Францияда аёлларга *mademoiselle* расмий мурожаат шакли унинг турмушга чиқмаганлигини кўрсатади. Турмушга чиқмаган аёлларга *madame* шакли бугунги кунда муаммо туғдирмоқда⁴¹. 46 ёшлик турмушга чиқмаган муаллимага *madame* деб мурожаат қилганимизда, *у je suis une mademoiselle* дея эътироз билдирди. Феминистик нуқтаи назарга асосланиб, аёлларга нисбатан нотўғри мурожаат дискриминация эканлиги, мурожаатнинг аёлга нисбатан ёзма маълумотларда, ҳужжатларда тўғри қўлланилиши зарурлигини тақозо этди.

В.И.Болотов⁴² инсонларга мурожаат қилишнинг шакллари кўрсатади: а) дўстона: *дугона*, б) расмий: *Сара Каримовна*, в) норасмий: *Насиба она*, г) эркин: *Нилу*. Ўз навбатида улар янада кичик гуруҳларга бўлинади. а) оилада, б) кўчада, в) шаҳарда, г) ишда ва б. Мурожаат шакли *оила* когнитив майдонида татбиқ қилинса: а) эр-хотин, б) қайнона-келин қабиларга ажратиш орқали аёлнинг жамиятда, оилада, эр олдида, қайнона олдидаги мавқеи, ўрни намоён бўлади. Тилда аёлга қарата мурожаат шакли ўзбек тилининг бойлигини ифода этибгина қолмай миллатнинг муомала маданияти даражасини ҳам кўрсатади.

2.5. “Аёл концептида Она тавсифига боғлиқ когнитив белгилар” бўлимида тиллараро қиёслаш орқали икки тил маданиятида *она* башарият кўпайишининг сабабчиси, одамзотнинг боқий бўлиш воситаси, инсонни

⁴¹ www.yahoo.fr/forumQuestions/ Réponses. Madame, Mademoiselle, Monsieur?, 2010.

⁴² Болотов В.И. Теория имен собственных. Т.: НУУз, 2003. – С. 98.

ўзгартирувчи куч каби “ташҳислар” ўрин олади, жамиятда онанинг мақомини кўтарди ва у “лаҳзалик” тимсолга айланади. Она икки тилда ҳам энг кўп миқдорда ижобий баҳоланадиган гиперконцепт сифатида: *боқувчи, устоз, тарбиячи, таянч, фидойи инсон, дўст, ғамхўр, посбон, кечиримли, меҳридарё, дардкаш, мураббий, эзгулик тимсоли* каби микроконцептлар билан фикран боғланади.

Француз маданиятида Оллоҳ мавжудлигининг исботи оналарда кўринади: *La meilleure preuve de l'existence de Dieu, pour moi c'est les mamans*. Она гиперконцептида юрак макроконцепти унинг ҳис-туйғулари ва бурчлари тўлдирилган “омбор”га қиёсланади: *Le coeur d'une mère est un abîme au fond duquel se trouve toujours un pardon. ... le coeur d'une mère – abîme* (она юраги – чоҳ) метафораси она юрагининг тубсиз қудукқа ўхшашлигига ишора қилади. Ўзбек маданиятида она когнитив майдонида *фарзанд, Ватан, жаннати, кечиримли, ўғай она, қайнона, келин, ҳомиладор аёл, кундош* каби белгилар фикран боғланади: *Жаннат оналарнинг оёқлари остидадир. “Ўғлини худбинларча севганида у ўзи учун, фақат ўзи учун асрашни истарди”*⁴³ мисолида оилада фарзандга отадан кўра она меҳрининг устунлиги унинг худбинларча белгисида жонланади. *“Une maman, c'est la meilleure des infirmières, au talent de magicienne”*. *Magicienne* (афсунгар) каби сифат онада қобилият белгисини юзага келтиради. Унинг мақоми юқори поғонага кўтарилади. *Жисмидан жон ажрайди* (яратувчанлик), *аёл хотирасидан ювиб юборади* (кечирувчи зот), *меҳр уммони* (она меҳрининг чексизлиги), *Сени тугмай мен ўлай!*⁴⁴ (паноҳ, асрагувчи) белгилари *ҳомиладор аёл* микроконцепти билан ўзаро уйғунлашади. *Аёл* – она фазилатга, “лаҳзалик” тимсолга айланади.

Ўзбек тили соҳиблари маданиятида онага қарама-қарши *ўғай она, кундош* лексемаларининг тилда салбий маъноларга эга эканлиги, уларга нисбатан “шафқатсиз” *аёл* деган тушунча пайдо бўлади: *Хотинингнинг айбларини ҳеч ким ўғай онангчалик санаб беролмайди, Эшикдан кундош кирса, тешикдан уруш киради*. Ўзбек маданиятида *қайнона* белгиси *яхши / ёмон* тарзида тасвирланиб, келинга қарама-қарши қўйилади: *Келиннинг ёви – қайнона*. Француз лингвوماданиятида бу белгилар кам учраганлиги билан фарқланади.

Онанинг фарзандга бўлган меҳри нафақат биологик, балки ижтимоий, маънавий-маърифий жиҳатдан кўпроқ масъулият юклайди; онанинг нафақат фарзанд, балки жамият олдидаги фарзанд тарбиясидек улкан вазифаси отадан кўра онани “биринчи устоз” даражасига кўтаради; жамият фарзандни отадан кўра онага ишониб топшириши онанинг жамиятдаги мавқеини янада оширади; *аёл* концептида она фаол, потенциал ва фактларга бой гиперконцепт сифатида махсус тадқиқот майдонига чиқади.

2.6. “Аёл интеллектини тавсифловчи когнитив белгилар” бўлимда аёлнинг ақлий жиҳати таҳлилга тортилади. Тарихда аёлларга паст назар

⁴³ Ги де Мопассан. Азизим. – Т.: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987. – Б. 136.

⁴⁴ Содиқова Т. Ҳазрати Аёл. – Т.: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1999. – Б. 16.

билан қараш уларнинг интеллектуал фаолиятини ривожлантириш йўлида кўзга кўринмас тўсиқ бўлган, илм фанга берилган *аёл* назокат ва жозибадан маҳрум бўлади, деган хулоса тилда муҳрланган: *Une femme qui travaille n'est plus une femme, Сочи узун ақли калта. Ақли калта* белгисининг халқ онгида муҳрланиб қолиши тарихий илдизларга бориб тақалади. Жамият тараққий этган сари халқ маданиятида бундай фикрларнинг нотўғрилиги исботланмоқда: *Ғаройиб факт: даҳо инсонларнинг кўпчилиги – заковатли аёлларнинг фарзандларидир, улар оталаридан кўра, оналаридан кўпроқ нарсани ўзлаштирганлар*”⁴⁵.

Илгари фақат эркалар фаолият олиб борган касбларда бугун аёллар фаол бўлмоқда. “Egalité linguistique entre femmes et hommes”⁴⁶ мақолида 394та касбларнинг феминизациялашган рўйхати берилади: directeur/directrice, poète/poëtesse. Тилда касбларни феминизациялаштириш жараёни аёлларнинг соҳалараро фаоллиги исботидир.

Азалдан Шарқ хотин-қизлари хуснда, илму тақвода бутун жаҳонга намуна бўлган. ХХІ асрга келиб Европа олимлари Шарқ хотин-қизлари ҳақида тадқиқотлар олиб бориб, улардан ҳаётни, эътиқодни ўрганиш керак⁴⁷, деган хулосага келинганлиги эътирофга лойиқдир.

2.7. “Аёлнинг психологик характери тавсифловчи когнитив белгилар” бўлимида паремиялар орқали аёлнинг руҳий хусусиятлари ёрқин намоиш этилади, лингвокогнитив ёндашувдаги маънавий, руҳий ва хулқий сифатлар мисолида кўриб чиқилди. Паремиялар орқали аёлнинг руҳий хусусиятлари ёрқин намоиш этилади, лингвокогнитив ёндашув орқали икки тил соҳиблари маънавий меъёрлари очиб берилди. “Proverbes et dictons français”⁴⁸, “Dictionnaires commenté des expressions d’origine littéraire”⁴⁹ ва “Маънолар маҳзани” китобида⁵⁰ аёлларга хос ижобий ва салбий сифат белгилари келтирилади: *жасорат* (Les femmes ont plus de courage qu’on ne croit pas, Аёлларни севинг ва иззат қилинг; улардан фақат юпанч эмас, балки илҳомингизга куч, маънавий ва ақлий қобилиятларингизни икки баравар оширувчи кудратни ахтаринг), *саришталик* (Хотиннинг сариштаси – одамнинг фариштаси), *қайсарлик* (Quand une femme veut réellement monter au sommet de l’art international, elle y arrive. J’en suis la preuve vivante!, Аёл киши оёқ тираб олса, уни тўққиз хачир ҳам тортолмайди), *беқарорлик* (Les femmes sont anges à l’église, diable en à la maison, singes au lit), *ғийбат* (Certaines femmes ne demandent à une amie de tenir une confidence secrète que pour mieux répandre une nouvelle, Уч хотин тўрт арава ғийбат тўқийди), *маккоралик* (La femme peut enrouler l’homme autour de son doigt), *худбинлик* (Келса хотин уруғи, топилар унинг йўриғи, келса эрнинг уруғи, бўлар юрак буруғи), *рашк*

⁴⁵ Тюриков В.И., Шоғуломов Р.Ш. Аёл – муқаддасан. – Т.: Ёзувчи, 1999. – Б. 169.

⁴⁶ Bérenger Boulay. Revue “Travaux de linguistique et de sémiologie”. Paris, 2007.

⁴⁷ Шиммел А. Жонон менинг жонимда. – Йўлдош Парда таржимаси. – Т.: Шарқ, 1999. – Б. 23.

⁴⁸ Pineaux J. Proverbes et dictons français. P.U.F. Paris, 1958. – P. 336

⁴⁹ Bologne J. C. Les illusions littéraires. Dictionnaires commenté des expressions d’origine littéraire, 1989.

⁵⁰ Шомақсудов Ш, Шораҳмедов Ш. Маънолар маҳзани. – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2001. – 448 б.

(Les femmes sont jalouses de tout, même du malheurs), *серганлик* (Le silence est le plus beau bijou d'une femme, mais elle le porte rarement), *андроцентризм* (Аёл ўғил тукқанда, уйдаги деворлар ҳам рақсга тушиб кетади) кабилар. Икки тилда ҳам *аёл* руҳиятини тавсифловчи микроконцептлар – конгломерат, калейдоскопик таснифга эга. Тилда *аёл* ҳис-туйғулари тавсифлари ижобий бўлмаса-да, унга алоҳида эътибор берилган. *Аёл* руҳиятига оид тил бирликлари ўзбек тилидагига қараганда француз тилида кенг берилган бўлиб, аксарияти салбий коннотацияга эга.

3. “Аёл концептининг лингвوماданий ва ижтимоий хусусиятлари” деб аталган учинчи боб лисон ва маданият муносабатлари масалаларига бағишланади.

3.1. “Жамиятда аёл ролининг тарихий-лисоний тавсифи” бўлимида когнитив ёндашув тилни тадқиқ қилиш соҳасини ҳамда нутқда амал қилиш “чегараларини” кенгайтиришни кўзда тутди. *Аёл* концепти мавҳум ва зич қатламли маданият концепти сифатида намоён бўлди.

Инсоният тарихида бирор босқич йўқки, аёллар масаласига у ёки бу тарзда ёндашилмаган бўлсин. Лекин аёлга иккинчи даражали шахс сифатида қараш анъанаси, афсуски, ҳанузгача давом этмоқда. Антик даврдан то бугунги кунгача бу анъанани тўлиқ тугатишнинг имкони топилмаган⁵¹. Маълумки, эркаклик тамойили барча динлар ва маданиятларда устунликка эгадир. Шу жиҳатдан, тор маънода ижод қилинган паремиялар, тил бирликлари, урф-одатлар ўзгармас, мустаҳкам қонун даражасига чиқиб олган. Гумбольдт нуқтаи назарида, тил инсоннинг маънавий ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, унинг ривожланиш жараёнидаги ҳар бир поғонасида ҳар бир даврнинг маданиятини акс эттиради⁵². Жамият, тил, инсон дунёқараши ўзгарувчан бўлганлиги туфайли, “жиловланмаган” таърифларга асосланиб *аёл* ҳақидаги тасаввурлар онгимизда муҳрланиб қолмаслиги керак.

Ихтиёримиздаги гендер компонентли лексик, паремиологик бирликларнинг таҳлили *аёл* кишига нисбатан икки тарафлама муносабат мавжудлигини кўрсатди. Бир томондан, аёлнинг шайтоний моҳияти талқин қилинди. Бунда аёлнинг иблисона образи чизилади ва *маккор* (flateur), *иккиюзламачи* (hypocrite), *табиат хатоси* (erreur de la Nature) тарзида гавдаланади. Бошқа томондан, *аёл-буюк*, *аёл-фаришта*, *аёл-яратувчи*, *мангу назокат сиймоси* каби идеаллаштирилган тимсоллар баён этилади ва аёлга мукамаллик мақоми берилади: *perfection* (тўла яратилган, бенуқсон), *aimable* (ёқимли), *sincère* (самимий), *noble* (марҳаматли), *divine* (қўркам).

Франция тарихида *аёл* бузғунчи куч сифатида тасвирланган: *La femme est la porte de l'enfer, Si j'étais Dieu, je recommencerais tout, sauf...la femme*⁵³. Ўзбеклар тарихида *аёл* жасур, қаҳрамон, мураббий сифатида тасвирланади: *Аёллар – инсониятнинг илк мураббийларидир*. Маълумки, ўтмишда хотин-

⁵¹Женщина в мифах и легендах. – Т.: Главная редакция энциклопедий, 1992. – С. 5.

⁵²Гумбольдт В. Избранные труды по языкознанию. М.: Прогресс, 1984. – С. 48.

⁵³René Barjavel. Si j'étais Dieu. – Paris, 1976. www.fr.wikipedia/Si_j'etais_Dieu...

қизларнинг инсоний ҳуқуқлари поймол қилинган: *Олтин бошли хотиндан мис бошли эр оптиқ, Homme, tu es le maître, la femme est ton esclave: c'est Dieu qui l'a voulu* каби инсон шахсини камситувчи “ижод қилинган” танқидий мақолларни тилда ишлатмаслик давр талабидир, аксинча, замонавийлик омиллари таъсир кўрсатган паремияларни, бугунги кун аёлларининг тимсолларини яратиш зарурияти пайдо бўлди.

Энциклопедик луғатда⁵⁴ 163та авлиё аёлларнинг номлари келтирилади. Аёллар дискриминацияси ўтмишга бориб тақалар экан, унинг илдизларини илоҳий китобларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир. Ўтмишга назар ташланар экан, жаҳон маданиятида уларнинг ўрнини мифологияда ўрганиш “Аёл ким ўзи?” саволига жавоб топиш имконини беради. Хулоса шуни кўрсатадики, интеллектуал тарих эркаклар тарихини фақат хотин-қизлар тарихига қиёслаганда амалийлигини кўрсата олади.

Аёл концепти миллий-маданий хусусиятга эга ахборотларнинг улкан ҳажмини қамраб олади, унинг маъносини мавҳум ва зич қатламли маданият концепти сифатида намоён қилади. Е.А.Моргун⁵⁵ маданий концептларни қуйидагича таснифлайди: **сиёсий, ижтимоий, феодал, касбий, психо-физиологик, шахслараро, оилавий-қариндошлик, экологик.** Аёл концептини тавсифлашда фақатгина тил ҳодисалари билан чекланиш мумкин эмас. Янада тўлиқроқ манзарани яратиш мақсадида экстралингвистик маълумотларга мурожаат қилиш унинг умумий хусусиятларини, ўзига хосликларини аниқлаш имконини беради, натижаларнинг холислигини таъминлайди.

3.2. “Севги, никоҳ ва оила тушунчаларининг аёл сиймосида акс этиши”га оид бўлимда мазкур тушунчаларнинг жамият учун қай даражада аҳамияти, тарихда аёлга бўлган муносабатлар ҳақида сўз боради.

Севги макроконцепти аёлнинг эмоционал фаолияти доирасига тегишли: *Femme vit par le sentiment.* *Севги* макроконцепти маданий фундаментал концептлар доирасида жиддий тадқиқотларни тақозо этади. Унда аёл руҳиятига оид ижобий когнитив белгилар: *борлиқни ҳаракатга келтирувчи куч, юрак, вафо, садоқат, бахт, эҳтиросли муҳаббат, чин муҳаббат, никоҳ, қалб, бурч, соғинч, фарзанд;* салбий белгилар: *бевафо, рашк, бахтсиз, нафрат, ажралиш, тош юрак, хиёнат, худбин, иккиюзламачи, ўлим.* Севги ва нафрат туйғулари ҳамиша ёнма-ён келади: *Рашк – севгидан кўра, нафратга яқинроқ турадиган туйғу, L'amour et la haine sont des parents consanguins.* Бундан ташқари *севги* аёлга аёллик бурчини эслатади: *Эркак ва аёл муҳаббати - бу ихтиёрий келишувдир, буни уларнинг қай бири бузса, фақат*

⁵⁴Женщина в мифах и легендах. – Т.: Главная редакция энциклопедий, 1992. – С. 19.

⁵⁵ Моргун Е.А. Система концептов в инаугурационных речах американских президентов в свете процессов концептуализации и категоризации политической картины мира. “Иностранные языки: лингвистические и методические аспекты». Материалы международной научно-практической конференции. – Благовещенск, 2010. – С. 321-323.

хиёнатда айбланади, аммо аёл она бўлгач, унинг бурчи янада кучаяди, бинобарин табиат унга зурриёт масаласини ишониб топширган.

Канадалик психолог ва социолог Д.А.Ли севгининг олти типини системалаштиради ва уларни грекча номлар билан атайди: 1. *аганэ* – ўчмас боғлиқлик; 2. *сторгэ* – она муҳаббатига ўхшаш севги; 3. *прагма* – вазмин ёки “амалий” севги; *мания* – бутун вужудини қамраб олувчи севги; *людус* – ишвали севги; *эрос* – тез ёниб тез ўчадиган севги⁵⁶. В.А.Луков дунё маданиятидаги учта муҳим константларни санаб ўтади: *олисдан туриб севиш*, *ажралмас муҳаббат*, *пул ёки шухрат учун қурилган муҳаббат*⁵⁷. Севги турлари ўзбек тили фондида етти хил кўринишда берилади: 1. *Одатдаги муҳаббат*. 2. *Эркак ва аёлнинг эҳтиросли муҳаббати*. 3. *Ота-онанинг фарзандга муҳаббати*. 4. *Таъма муҳаббати*. 5. *Ошиқ - маъшуқларнинг висол лаҳзаларидаги муҳаббати*. 6. *Бандаларнинг Холиққа бўлган муҳаббати*. 7. *Комил муҳаббат*⁵⁸. Лекин ҳар қандай ҳолатда севги тилда улуғланади: *Муҳаббатни бунчалик улуғлашимизнинг сабаби – табиат одамларга бахтли яшашилари, инсон наслини давом эттиришилари учун ҳам мана шу гўзал туйғуни ато қилган*. [В.Г.Белинский]. Келтирилган таъриф-тавсифлар француз ва ўзбек тилларида севги концепти тарбиявий аҳамиятга эга махсус тадқиқот талаб этувчи гиперконцепт эканлиги ўз исботини топди.

Чинакам муҳаббатнинг олий мукофоти – никоҳдир. *Никоҳ* когнитив майдонига бағишланган материалларни таҳлил қилиш жараёнида ўзбек тили фондида *қайнона*, *келин*, *совчи*, *куёв*, *келин* каби микроконцептлар ўзбек тилида муҳим ўрин эгаллайди, аммо француз тил фондида бундай белгиларнинг умуман учрамаганлиги қариндошчилик ришталарининг муҳим эмаслигидан далолат беради. Ўзбек маданиятида: *Никоҳ – инсон учун энг ноёб хазина*. Француз тил фондида *никоҳ* аёлнинг жамиятда ўз ўрнини йўқотиши мумкинлигига шаъма қилади: *Le mariage est encore la meilleure façon pour une femme de devenir invisible*, никоҳга нисбатан аёлда кўрқинчли ҳисларни уйғотувчи, хавотир пайдо қилувчи паремиялар кузатилади: *Le mariage est un sac où l'on trouve quatre-vingt-dix-neuf serpents et une aiguille. Qui osera y mettre la main ?* Эр-хотинлик бу кишан *le mariage est un cadenas* ундан қутилишнинг иложи йўқдек ва оила боқиш масъулиятидан кўрққан киши учун бўйдоқлик афзалдек туюлади. Француз тилида никоҳга оид паремияларнинг таҳлили натижасида *ёлғизлик* гиперконцепти тадқиқот майдонига чиқди: *Une femme sans mari est un cheval sans bride*. Ўзбек маданиятида қайлиқ танлашда ота-она раъйига қараш ҳолатлари кузатилди: *Ота-она ризолигисиз қурилган турмуш қадамига қурбонлик сўрайди*. Бу урф француз маданиятига мутлақо бегона, чунки улар турмушдош танлашда фақат ўз ҳис-туйғуларига ишонишади, ёки таништирув бюрolari хизматидан фойдаланадилар.

⁵⁶Типы любви. www.devочки.com.ua/6-tipov-lyubvi.

⁵⁷www.zpu-jurnal.ru/gum/new/articles/2007/Lukov

⁵⁸Тюриков В.И., Шоғуломов Р.Ш. Аёл – муқаддасан. – Т.: Ёзувчи, 1999. – Б. 106-107.

Оилада **хотин** контрастив *яхши* – *ёмон* кўринишда гавдаланади: *Bonne femme fait le bon homme, Хотин борки, арпа ундан кабоб қилар, ёмон хотин бугдой унни хароб қилар.*

3.3. “Аёлда гўзаллик тушунчалари ифодаланишининг лисоний – эстетик хусусиятлари” деб номланган бўлимда гўзаллик тараннум этилади. Француз тили луғатида⁵⁹ гўзаллик куйидагича талқин қилинади: 1. *caractere de ce qui est beau: La beauté d’un paysage*, 2. *qualité d’une personne belle: La beauté du diable*, 3. *Une beauté: Une femme très belle*, 4. *Les belles choses: Une belle oeuvre, Nymphe*. Ўзбек тил соҳиблари онгида гўзаллик анъанавий тарзда инсоннинг ахлоқ сифатлари билан боғлиқ. Француз тил маданиятида аёл гўзаллиги гедонизм доирасида аниқланади. Гўзалликнинг ыуидаги кўринишлари таҳлилга тортилди: **1. Аёл гўзаллигини баҳолаш:** *Олижаноб ишларга ундамаган гўзаллик – ҳиди йўқ гул деган гап, Cour céleste* (малак). **2. Аёл гўзаллиги сифати:** *sirène* (йўлдан оздирувчи). **3. Ташқи гўзаллик:** *Аёл юзидаги кулгичга қўрғонлар қулаб тушар*. **4. Аёл одоб-ахлоқи:** *Қиз боланинг безаги – зар тақинчоқлар эмас, тарбиясидир*. **5. Аёл феъл-атвор хусусиятлари:** – *Ота, мен нима учун ундан қутулдим? Юзи гўзал, ўзи гўзал, аммо аёллиги, хотинлиги йўқ эди. Феъли ёмон эди*⁶⁰. **6. Ақл билан гўзалликнинг ёнма-ён келиши:** *Ақлли аёл - қалъа олар*. **7. Рамз:** *Dites non au terrorisme de la beauté!*, *Гўзаллик дунёни қутқаради!*

Гўзалик компоненти билан семантик лексемаларни белгиловчи аксиологик характеристикалар таҳлили натижасида турли социумларда аёллар гўзаллигига ижобий баҳо бериш усуллари турлича асосланганлигига гувоҳ бўлдик. Миллатлараро фикрлаш хусусияти гўзалликга баҳо беришда сифатларнинг кўпқирралилигини намоён қилади, сўзлар маъносини акс эттирувчи ички бир маданият билан боғлиқ ҳолда бўлиши кераклигига эътибор қаратади.

3. УМУМИЙ ХУЛОСА

Тадқиқот натижалари куйидаги хулосаларни чиқаришга имкон беради:

1. Концепт – бу бизнинг объект ҳақидаги барча билганларимиз. Ҳаётий тажриба ва оламни англаш сабабли концептнинг мазмуни одамдан одамга ўтганда шакли ўзгаради, бироқ, ўзи шаклланган маданият ва давр доирасини акс эттиради. У “лаҳзалик” тимсолни яратади. Концепт – инсоннинг шахсий ва ижтимоий ижодий фаолиятининг натижаси.

2. Гендер тушунчаси фанлараро боғланиш ва қиёслаш хусусиятига эга. Гендер нуқтаи назаридан антропологик лингвистиканинг барча соҳаларини кўриб чиқиш мумкин. Гендер муаммоларига бағишланган тадқиқотларда фемининлик ва маскулинлик муаммоларига эътибор қаратилмаётганлиги кузатилди.

⁵⁹Robert micro. Dictionnaire du français primordial sous la direction de P. Robert. Paris, 1984. – P. 97-98.

⁶⁰ Ҳидоятхўжаев Т. Фарзандлар жаннат райҳонларидир. – Т.: Янги аср авлоди, 2002. – Б. 54.

3. Когнитив лингвистика янги йўналиш. Лексикографик ва энциклопедик маълумотни ўзида сақловчи концепт когнитив тилшуносликнинг ажралмас қисмидир. Унда инсон фаолияти ва ғносеологик жараён акс этади. Тил - тафаккур – халқ – маданият ягона деган хулосага келинди.

4. *Аёл* образини тушунишдаги ўзгаришлар кўп ҳолларда феминистик танқидий қарашлар таъсирида юз берганлиги аниқланди. Феминистик лингвистика тил нормаларини қайта кўриб чиқишни тақозо қилади. Барча соҳаларда андроцентризм ҳолатини танқидий кўриб чиқиш имконияти юзага келди. Хотин-қизлар ўтмиши ҳақидаги билим ва тафаккурда муҳрланган паремиялар, лексик, фразеологик бирликлар, афоризмлар эркаклар фикрлаш тарзи орқали етиб келган, деган хулосага келинди. Гендер лингвистик тенглик муаммоларига оид маълумотлар эркаклардан ёки аёллардан келиб чиққанлигини аниқлаш зарурияти туғилди, *аёлларни аёллар нуқтаи назаридан ўрганиш* муҳимлиги ўз исботини топди.

4. *Аёл* концепти француз ва ўзбек тили соҳиблари тафаккурида кўп қатламли концепт бўлиб, миллий-маданий хусусиятга эга ахборотларни ўзида мужассам этувчи, маданият ва миллат тажрибасидан тўйинган концентрат сифатида намоён бўлди.

5. *Аёл* когнитив майдонини идрок этиш ва тасаввурда образ ҳосил қилиш йўли билан жамланадиган билим турлича шаклланди, натижада, **Она, Ёзаллик, Севги, Ёлғизлик, Бахт** гиперконцептлари махсус тадқиқ қилинишни тақозо этади. Бу эса лингвомаданиятшуносликда икки муаммони ҳал этади, биринчидан, чет эллик аёлларнинг тил ва маданият муносабатлари ўрганилса, иккинчидан, ўзбек когнитив ва гендер тилшунослигини янада бойитишга хизмат қилади.

6. *Аёл* концептининг ташқи ва руҳий ёзаллиги нуқтаи назаридан таҳлили фарқлар ва қарама-қаршиликларнинг мавжудлигини кўрсатди. Чунончи: француз ва ўзбек тилларида *аёл* сиймосида ташқи ёзаллик белгилари маънолари бир-бирига мос келмаса-да, икки тил маданиятида ҳам эркаклар томонидан *аёл* ҳусни қадрланади; ташқи ёзаллик орқасида ички ёзалликнинг яшириниб қолиши одамларни хавотирга солади; илгари никоҳ орқали *аёл* ўзини ҳурмат қилиш ҳуқуқини қўлга киритгани каби, бугун бундай ҳуқуқни ташқи ёзаллик орқали қўлга киритиш керакми?, деган савол туғилади.

7. Ўзбек аёли лингвомаданиятида стилистик бўёқлар турфалигини эътироф этиш даркор: *мақтов, эркалаш, саломлашиш, қарғиш, тилак, новербал мулоқот* кабилар тадқиқот талаблиги аён бўлди. “Ўзбек аёлларига хос мулозамат ва муомалалар луғати”, Танқидий сўзлар” каби луғатларни яратиш каби вазифа гендер тилшунослигида алоҳида аҳамият касб этади.

8. Француз тил фондида аёлга нисбатан ижобийдан кўра салбий коннотацияли паремияларнинг кўплиги аниқланди. *Аёл* когнитив белгиларини тиллараро қиёслаш натижасида ўзбек миллат вакиллари тафаккурида *аёл* ожиза эмас, балки, *бардош, иффат, ҳаё, уят, ор-номус, меҳнатсевар, оилапарвар, болажон, фарзандга, элга фидоий* каби белгилар

орқали фикран боғланса, француз маданиятида *жозиб*, *ташқи гўзаллик*, *интеллект*, *мавқе* каби белгилар кўпроқ қадрланиши кузатилди.

9. *Аёл* когнитив майдонида севги, никоҳ ва оила когнитив белгиларини таҳлил қилишда аёлнинг янги қирралари очилди; инсоният ва жамият тарихида эркакка нисбатан аёлнинг ҳаёти муҳим рол ўйнаши исботланди; жамиятнинг фарзанд тарбиясида унга ишончи эркакка нисбатан юқорилиги эътироф этилди. Шарқ фалсафасида аёлга муносабат алоҳида ўрин тутганлиги аниқланди. Қиёслашлар аёлнинг барча хислатлари ва фазилатларини бўрттириб кўрсатиб, унинг прототипини яратиш имконини берди.

10. Индивидуал ҳуқуқ ва инсон қадрини ҳимоя қилиш, инсоният яшайдиган дунёни демократлаштиришга йўналтирилган жараён аёлга нисбатан зулм ва шафқатсизликни тарғиб қилувчи паремиологик, лексик, фразеологик бирликлар ва афоризмларни истёъмолдан чиқаришни тақозо этади.

4. ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

Монография

1. Ибрагимова Р.С. *Аёл концептининг лингвокогнитив тадқиқи*. – Т.: Фан ва технология, 2012. 86 б.

Илмий журнал ва анжуманларда нашр этилган мақола ва тезислар

2. Ибрагимова Р.С. Мақол ва маталларда жинсий символларнинг хусусиятлари // *Актуальные проблемы филологии: теория и методика. Межвузовский сборник научных трудов*. – Выпуск IV. – Шымкент, 2006. – Б. 93-98.

3. Ибрагимова Р.С. Француз фразеологик бирликлари, мақолларида “Аёл” тушунчасининг акс этиши // *Актуальные проблемы филологии и социально-гуманитарных наук: Межвузовский сб. научных трудов*. – Шымкент, 2007. – Б. 215-220.

4. Ибрагимова Р.С. Аёллар тарих силсиласида//Олима аёлларнинг фан-техника тараққиётида тутган ўрни. Республика илмий-амалий анжуман материаллари. – Т.: ТДПУ, 2008. – Б. 243-244.

5. Ибрагимова Р.С. Концепт сўзига таъриф//Маданиятлараро мулоқот: назария ва амалиёт: Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Т.: ТДПУ, 2008. – Б. 135-137.

6. Ибрагимова Р.С. Аёлнинг ташқи қиёфасига оид белгиларнинг француз тилида акс этиши // *Педагогик таълим*. – Т., 2008. – № 1. – Б. 122-125.

7. Ибрагимова Р.С. К вопросу определения термина “Концепт” в лингвистической литературе // *Вопросы гуманитарных наук*. – М., 2009. – С. 122-125.

8. Ибрагимова Р.С. Концепт как универсальное и национально-специфическое явление. – Изд-во «Молодой учёный». – Чита, 2010. – С. 24-27.
9. Ибрагимова Р.С. Гендер муаммолари хусусида. “Хорижий тиллар ва адабиётларни ўрганишда маданиятлараро мулоқот” мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. – Т., 2010. – Б. 143-145.
10. Ибрагимова Р.С. Аёл концептида Она тавсифига оид белгилар. Buhoro Davlat universiteti ilmiy ahboroti. Buhoro, 2010. – № 3. – Б. 65-68.
11. Ибрагимова Р.С. Гендер – ижтимоий-маданий ва лисоний ҳодиса сифатида. Илмий тадқиқотлар ахборотномаси. – Самарқанд, 2010. – № 6. – Б. 70-72.
12. Ибрагимова Р.С. Изучение концепта как лингвокультурологического явления. ЎзМУ хабарлари. – Т., 2011. – № 1. – Б. 61-64.
13. Ибрагимова Р.С. Специфика репрезентации концепта «женщина» во французском и узбекском языках (на материале паремиологии). – Челябинск, 2011. Вестник ЧелГУ. № 3. – С. 65-68.

Тадқиқотчи:

Филология фанлари номзоди илмий даражасига талабгор **Ибрагимова Раиса Султановна**нинг 10.02.20 – Қиёсий-тарихий, типологик ва чоғиштира тилшунослик, лингвистик таржимашунослик бўйича “**Француз ва ўзбек тилларида аёл концептининг лингвокогнитив тадқиқи**” мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕ СИ

Таянч сўзлар: концепт, когнитив белги, паремия, *аёл*, гендер, когнитив лингвистика, гендер лингвистикаси, андроцентризм, когнитив майдон.

Тадқиқот объектлари: француз ва ўзбек тилларида *аёл* компонентли паремиялар, лексик ва фразеологик бирликлар, афоризмлар, қанотли сўзлар.

Ишнинг мақсади: француз ва ўзбек тиллари мисолида *аёл* концептининг лисон ва маданият муносабатларида категоризациялашган когнитив майдонини аниқлаб олишдан иборат.

Тадқиқот методлари: концептуал, этимологик, қиёсий, контекстуал, контрастив-гендер, тарихий-маданий, психолингвистик таҳлил, луғат дефинициялари таҳлили, статистик, моделлаштириш ва интервью.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: илк бор тил ва маданиятда *аёл* концептини қиёсий тадқиқ қилишда жамиятга тааллуқли барча билимлар мажмуини ўзида ифода этган когнитив системага асосланildi. *Аёл* концепти когнитив тилшунослик, лисоний маданиятшунослик йўналишида миллий-маданий қонуниятлар “назорати” остида француз ва ўзбек тилларида қиёсий таҳлил қилинди. *Аёл*нинг тилдаги ўрни ва аҳамияти ҳақидаги стереотип тасаввурлар қайта кўриб чиқилди ва аёлларни аёллар нуқтаи назаридан ўрганиш муҳимлиги ўз исботини топди. Илк бор *аёл* концепти когнитив майдонининг образли кўриниши яратилди. *Аёл* когнитив майдонида *Бахт*, *Гўзаллик*, *Она*, *Ёлғизлик*, *Муҳаббат* гиперконцептлари тадқиқотталаблиги аниқланди.

Амалий аҳамияти: тадқиқот натижаларидан умумий тилшунослик, когнитив тилшунослик, гендер лингвистикаси, социоллингвистика, психолингвистика, лингвокультурология каби ўқув курсларида, таҳлил қилинган паремиялардан икки тиллик луғатлар тузишда фойдаланиш мумкин.

Тадбиқ этиш даражаси: тадқиқот натижаларидан Низомий номидаги ТДПУ чет тиллар факультети бакалаврият ва магистратура бўлимларида “Таржима назарияси ва амалиёти”, “Қиёсий типология” каби фанларни ўқитишда манба сифатида фойдаланилмоқда.

Қўлланиш соҳаси: тил назарияси, когнитив тилшунослик, лингвомаданиятшунослик, таржима назарияси, психолингвистика, гендер лингвистикаси.

Р Е З Ю М Е

диссертации **Ибрагимовой Раисы Султановны** на тему «**Лингвокогнитивное исследование концепта *женщина* во французском и узбекском языках**» на соискание ученой степени кандидата филологических наук по специальности 10.02.20 – Сравнительно-историческое, типологическое и сопоставительное языкознание; лингвистическое переводоведение

Ключевые слова: концепт, когнитивный знак, паремия, *женщина*, гендер, когнитивная лингвистика, гендерная лингвистика, андроцентризм, когнитивное поле.

Объект исследования: паремиологические, лексические и фразеологические единицы, афоризмы, крылатые фразы во французском и узбекском языках.

Цель работы: на примере французского и узбекского языков определение связи языка и культуры в категоризационном когнитивном полях концепта *женщина*.

Методы исследования: концептуальный, этимологический, сопоставительный, контекстуальный, контрастивно-гендерный, историко-культурный, психолингвистический, статистический, анализ словарных дефиниций, моделирования, интервью.

Полученные результаты и их новизна: впервые во французском и узбекском языках когнитивное поле концепта *женщина* изучено с учетом национально-культурных особенностей в сопоставительном плане в русле лингвокультурологии и когнитивной лингвистики. Пересмотрены стереотипные взгляды общества на роль и значение женщины в языке, выявлены случаи андроцентризма, освещена проблема изучения женщины с женской точки зрения. Впервые создано образное представление когнитивного поля концепта *женщина*. Выявлена необходимость в исследовании гиперконцептов *Счастье, Красота, Мать, Одиночество, Любовь* в когнитивном поле концепта *женщина*.

Практическая значимость: результаты исследования могут быть использованы в учебных курсах по общему языкознанию, когнитивной лингвистике, гендерной лингвистики, социолингвистики, психолингвистики, лингвокультурологии, а проанализированный языковой материал может быть использован при создании двуязычных словарей.

Степень внедрения: результаты исследования внедрены в практику преподавания курсов «Теория и практика перевода», «Сравнительная типология» в отделениях бакалавриата и магистратуры Ташкентского государственного педагогического университета им. Низами.

Область применения: теория языка, когнитивная лингвистика, лингвокультурология, теория перевода, психолингвистика, гендерная лингвистика.

RESUME

Thesis of **Ibragimova Raisa Sultanovna** on the scientific degree competition of the candidate of sciences (philology), on speciality 10.02.20 – Comparative-historical, typological and comparative linguistics, linguistic translation on subject «**Linguocognitive research of concept *woman* in the French and Uzbek languages**».

Key words: concept, cognitive sign, paramies, *woman*, gender, cognitive linguistics, gender linguistics, andocentrism, cognitive field.

Subject of the research: preemies, lexical and parasitological units, aphorisms, set phrases the concept of *woman* in French and Uzbek languages.

Purpose of work: to define the categorical componential structure of concept *woman* in French and Uzbek languages on the aspect of language and culture.


Methods of research: conceptual, ethimological, comparative, contextual, contrastive-gender, historical-cultural, psycholinguistic, statistical, analyses of dictionary definitions, modeling, interview.


The results achieved and their novelty: for the first time the comparative research of concept *women* in French and Uzbek languages was studied as a complex cognitive social knowledge. The concept *women* was comparatively analyzed from the cognitive linguistic and linguacultural aspects according to the notional and cultural laws. The stereotype of *women* pole and place in the language was reconsidered; the significance of *woman*'s research works from *women*'s point of view was proved. For the first time the cognitive field of imaginative scene of *women* concept was created. Needs of special research works in cognitive field of hyper concepts like Happiness, Beauty, Mother, Loneliness and Love was defined.

Practical value: the results of the research can be implied while lecturing special courses as cognitive linguistics, general and comparative linguistics, gender linguistics, social linguistics, psycholinguistics, linguoculturology, and also for creating bilingual dictionaries the French and Uzbek languages.


The degree of embed: the materials of investigation can be applied at Tashkent State Pedagogical University for bachelor and master courses in teaching foreign languages at the subjects “Theory and Practice of translation”, “Linguistic Typology”.

Field of application: Theory of Language, Cognitive Linguistics, Cultural Linguistics, Theory of translation, Psycholinguistics, a course in Gender Linguistics.





Француз маданиятига хос ташқи гўзаллик белгилар Ўзбек маданиятига хос ташқи гўзаллик белгилари



Ўзбек маданиятига хос рухий гўзаллик белгилари

Француз маданиятига хос рухий гўзаллик белгилари